ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ КАРОРИ

574 «Докторлик диссертациялари илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини бақолаш буйича услубий курсатмаларни тасдиқлаш қақида» ги қарорга узгартириш ва қушимчалар киритиш туррисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2666-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ−4958-сон «Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўгрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/9-сон «Докторлик диссертациялари илмий натижаларининг амалиётга жорий килинишини баҳолаш буйича услубий курсатмаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (руйҳат раҳами 2666, 2015 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2015 й., 15-сон, 186-модда) иловага мувофиқ узгартириш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Олий аттестация комиссияси раиси

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш., 2017 йил 31 май, 239/9-сон



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

574-модда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/9-сон қарорига

ИЛОВА

«Докторлик диссертациялари илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш буйича услубий курсатмаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган үзгартириш ва қушимчалар

- 1. Қарорнинг номидаги ҳамда 1-бандидаги «Докторлик диссертациялари» деган сузлар «Диссертациялар» деган суз билан алмаштирилсин.
 - 2. Услубий кўрсатмаларда:
- а) номидаги «Докторлик диссертациялари» деган сўзлар «Диссертациялар» деган сўз билан алмаштирилсин;
 - б) муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўгрисида»ги Фармони хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўкув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўгрисида»ги қарорларига мувофиқ диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини бахолаш бўйича услубий кўрсатмаларни белгилайди.»;
 - в) 1 ва 2-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларининг 22-бандига мувофиқ илмий натижаларни амалиётга жорий этиш (фан докторлари (Doctor of Science) учун) ва амалиётга жорий этиш учун такдим қила олиши (фалсафа докторлари (Doctor of Philosophy) учун) олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини белгилайдиган асосий талаблардан ҳисобланади.
- 2. Фан доктори (Doctor of Science) ва фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иш бажарилган муассасада дастлабки экспертизадан ўтказилгунга қадар унинг илмий натижалари амалиётга жорий этилган (жорий этиш учун тақдим қила олинган) (бундан буён матнда амалиётга жорий этиш деб юритилади) булиши лозим.»;
 - г) 2, 3 ва 4-бобларнинг номидаги хамда 5, 8, 10 19, 21, 23 27, 29,



- 25 (785)-сон
- 30, 32 ва 34-бандлардаги «докторлик диссертациясининг» деган сўзлар «диссертациянинг» деган суз билан алмаштирилсин;
 - д) 6 ва 7-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «6. Талабгор томонидан ишлаб чиқилган (асосланган) ёки такомиллаштирилган қуйидаги натижалардан бири назарий ахамиятга молик диссертациянинг илмий натижаси булиши мумкин:

назария, гоя;

қонуният (категория) ва унинг ўзига хос хусусиятлари;

методика ва усул (усуллар тизими);

илмий хулоса;

тахлил қилиш ва прогнозлаштириш курсаткичлари (индикаторлари);

фан тармогининг (ихтисосликнинг) хусусиятидан келиб чиққан холда бошка шакллар.

7. Назарий ахамиятга молик диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилиши мумкин:

интеллектуал мулк объектига мутлақ хуқуқнинг эътироф этилиши ихтирога ва селекция ютугига патент хамда фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражаси учун фойдали моделга патент, саноат намунасига патент олинган ва у бугунги кунда долзарб булганда;

илмий натижанинг нуфузли, шу жумладан хорижий илмий марказ (республика илмий семинари) ёки олий ўкув юртлари томонидан эътироф этилиши ёхуд фан тармоги ривожланган хорижий мамлакатларнинг импактфактори 0,5 дан юқори булган ва халқаро тизимга кирган илмий журналларда камида 3 та хавола берилиши;

илмий натижадан талабгорнинг ўзи қатнашмаган ва тугалланган грантлар буйича илмий лойихада фойдаланилиши;

таълим жараёнига татбиқ этилган давлат таълим стандарти, дарслик ёки педагогик технологиянинг (фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражаси учун — ўқув қўлланманинг) мавжуд бўлиши;

иш бажарилган ташкилот ва илмий махсулотнинг потенциал истеъмолчиси булган республика давлат органи ёки хужалик бошқаруви органининг илмий-техникавий кенгаши, бундай кенгаш булмаган холда тегишли ташкилий тузилмаси тавсияси асосида ушбу ташкилот (орган) томонидан эътироф этилиши;

фан тармогининг (ихтисосликнинг) хусусиятидан келиб чиққан қолда бошқа шакллар.»;

- е) 9-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «9. Амалий ахамиятга молик диссертациянинг илмий натижалари куйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилиши мумкин:

интеллектуал мулк объектига мутлақ хуқуқнинг эътироф этилиши ихтирога ва селекция ютуғига патент хамда фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражаси учун фойдали моделга патент, саноат намунасига патент олинган ва у бугунги кунда долзарб булганда;

илмий натижаларнинг Давлат реестрига киритилганлиги;



илмий таклифдан норма ижодкорлиги фаолияти жараёнида фойдаланилиши;

илмий таклифдан техник жихатдан тартибга солиш сохасидаги норматив хужжатлар лойихаларида фойдаланилиши;

фан ва технологияларнинг назарий-концептуал ва услубий асосларини ривожлантиришга хизмат қилувчи илмий ишланманинг мавжуд булиши;

таълим жараёнига татбиқ этилган давлат таълим стандарти, дарслик ёки педагогик технологиянинг (фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражаси учун — ўкув қўлланманинг) мавжуд бўлиши;

илмий махсулотнинг потенциал истеъмолчиси булган республика давлат органи ёки хужалик бошқаруви органининг илмий-техникавий кенгаши, бундай кенгаш булмаган холда тегишли ташкилий тузилмаси тавсияси асосида ушбу ташкилот (орган) томонидан эътироф этилиши;

инновацион гоялар, технологиялар ва лойихалар Республика ярмаркасида имзоланган шартномалар;

инновацион гоялар, технологиялар ва лойихалар Республика ярмаркаси натижасига кўра фахрий номинацияларга («Энг яхши инновацион ишланма», «Саноат йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма», «Ахборот технологиялари йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма», «Фан ва таълим йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма», «Фан ва таълим йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма», «Ёш олимларнинг энг яхши инновацион лойихаси») эга бўлганлар (фақат фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражаси учун);

муайян фанларнинг хусусиятига кўра мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 10 — 27¹-бандларида назарда тутилган бошқа шакллар.»;

- ж) 20-банднинг биринчни ва иккинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Юридик фанлар буйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган булиши мумкин:

республика, иқтисодиёт тармоқлари ва худуд даражасидаги давлат мақсадли дастурида ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашда фойдаланилган таклиф;»;

з) 22-бандда:

биринчи хатбошидаги «докторлик диссертациясининг» деган сўзлар «диссертациянинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ечими» деган суз «ечим» деган суз билан алмаштирилсин;

- и) қуйидаги мазмундаги 271-банд билан тулдирилсин:
- «27¹. Сиёсий фанлар буйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган булиши мумкин:

республика, иқтисодиёт тармоқлари ва худуд даражасидаги давлат мақсадли дастурида ва бошқа хужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган таклиф;

вазирлик ва идора томонидан тасдиқланган прогноз ва бошқа хужжатлар;



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й.

25 (785)-сон — 393 —

муайян ташкилот фаолиятига татбиқ этилган ишланма;

буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр.»;

- к) 28-банддаги «докторлик диссертацияси» деган сўзлар «фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
 - л) 31-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «31. Диссертациянинг илмий натижалари амалиётга жорий этилганлигини тасдикловчи хужжатлар аник, асосли ва амалиётга жорий этилганлиги хакидаги тегишли маълумотлар тўлик келтирилган холда расмийлаштирилиши керак.»;
 - м) 33-бандда:

«докторлик диссертациясининг» деган сузлар «диссертациянинг» деган суз билан алмаштирилсин;

«қушма қарори» деган сузлардан кейин «ёки республика илмий семинари қарори» деган сузлар билан тулдирилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қушимчалар Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қумитаси ҳамда Фан ва технологиялар агентлиги билан келишилган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

3. МИРЗАЕВ

574-модда

2017 йил 29 май

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

P. KACHMOB

2017 йил 29 май

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2017 йил 29 май

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2017 йил 29 май

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 29 май

Маданият вазири

M. MYPATOB

2017 йил 30 май



574-модда — 394 — 25 (785)-сон

Фанлар академияси президенти в. в. б

Б. ИБРАГИМОВ

2017 йил 30 май

Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси

Р. КУРБАНОВ

2017 йил 30 май

Фан ва технологиялар агентлиги бош директори

М. БОЛТАБАЕВ

2017 йил 30 май